

Президент
Шавкат Мирзиёев
27 ноябрь кuni
Ўзбекистон
Республикаси
Миллий статистика
қўмитасининг ҳисоботи
билан танишди.

Маълум қилинишича,
бозор хизматлари,
қурилиш, қишлоқ
хўжалиги, саноат ва
бюджет харажатларини
статистика билан
янада кенг қамраб олиш
натيجасида қўшимча
81 триллион сўм қўшилган
қиймат инобатга олиниб,
2024 йил якунлари бўйича
ЯИМ ҳажми 115 миллиард
доллардан 121,4 миллиард
долларга ошди.

Шу билан бирга, яширин
иқтисодиёт улуши
2017 йилдаги 50 фоиздан
2024 йилда 35 фоизгача
камайгани таъкидланди.
Яқин истиқболда яна
79 триллион сўмлик
кузатилмаётган
иқтисодиётни
статистика билан
қамраб олиб, унинг
улушини 29 фоизгача
тушириш имконияти
мавжудлиги маълум
қилинди.

Давлатимиз раҳбарига
худоўларда келгуси
йил январь ойида
бошланадиган аҳолини
рўйхатга олиш ишларига
тайёарлик ҳолати
юзасидан ҳисобот
берилди.



№92 (945)
2025 йил 28 ноябрь,
жума

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг
сешанба ва жума кунлари чиқади.



Президент таширифидан сўнг

Ургутдан Самарқандга поездда



26 ноябрдан йўловчилар учун “Самарқанд – Ургут” ва
“Ургут – Самарқанд” йўналишида поезд қатнови бошланди.
Янги қатновнинг илк йўловчилари вилоят ва
Ургут тумани фаоллари, нуронийлар ва ёшлар бўлди.

► 2-бет

ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири
Шерзод Ҳидоятлов, Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси
раҳбари Сирожиддин Эшқувватов ҳамда
Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари Наврўз
Раҳмонов иштирокида вилоят Қурилиш ва уй-
жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида
кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.



Йиғилишда соҳага
алоқадор ташкилот ва
корхоналар мутасад-
дилари, шунингдек,
қурилиш-пудрат таш-
килотлари раҳбарла-
ри қатнашиб, қурилиш
жараёнларини белги-
ланган тартибда таш-
кил этиш, шаҳарсозлик
нормалари ва талаб-
ларига тўлиқ амал қилиш
масалалари атрофида
муҳокама қилинди. Тад-
бир давомида шаҳар-
созлик ҳужжатлари
тўлиқ расмийлашти-
рилмаган объектлар
қурилишининг олдини
олиш, мавжудларини
белгиланган тартибда

Сеулда ўтаётган халқаро симпозиум доирасида
“Иссиқликтаъминоти” АЖ бошқаруви раиси
Илҳом Тўраев Корея марказий иссиқлик
таъминоти корпорацияси бош директори Жеонг
Ёнг Ки билан учрашув ўтказди ва томонлар
миннатдорлик хатларини алмашди.

Айтиш керакки, ҳозирда Корея марказий иссиқлик таъ-
миноти корпорацияси билан марказлашган иссиқлик таъ-
миноти тизимини модернизация қилиш, мутахассислар
малакасини ошириш бўйича бир қатор самарали лойиҳа-
лар амалга оширилмоқда. Учрашувда мазкур лойиҳалар-
нинг бориши, галдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Корея марказий иссиқлик таъминоти корпорацияси
1985 йилда АЖ сифатида ташкил этилган давлат муассаса-
си ҳисобланади. Мамакатдаги 2 миллиондан ортиқ уйни
марказлашган иссиқлик таъминоти, совутиш ва электр
энергияси билан таъминлайди. Корпорациянинг мамла-
кат бўйлаб 6 та офис, 19 та филиал ва 15 та иссиқлик электр
станцияси мавжуд.

Сўрхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
вазирлиги, Сўрхондарё вилояти ҳокимлиги
ҳамда “ЎЗГАСҲКЛИТИ” лойиҳа-қидирув
институтини ҳамкорлигида “Шаҳарсозлик
фаолиятида инновацион технологияларни
қўллаш” мавзусидаги ҳудудий амалий семинар
бўлиб ўтди.



Семинарда шаҳарсозлик жараёнларини тақомил-
лаштириш, рақамли технологияларни жорий этиш ва
муҳандислик-техник ечимларни ривожлантириш бўйича
долзарб масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, ҳудудий
инфраструктурани экологик, фазовий ва муҳандислик та-
лаблари асосида модернизация қилиш, қурилиш жараён-
ларида рақамли картография маълумотлар билан ишлаш,
геоахборот тизимларини кенг қўллашнинг амалий жиҳат-
лари кўриб чиқилди. Учрашув давомида муҳандислик из-
ланишларида замонавий технологиялардан – учувчисиз
учиш аппаратлари, масофадан зондаш тизимлари, геотех-
ник ускуналар ва лаборатория методларидан фойдаланиш
тажрибаси тақдим этилди. Шунингдек, сифат назоратини
куचाйтириш, метрологик хизматларни тақомиллаштириш,
ижро ҳужжатлари ва топографик маълумотларни марказ-
лаштиришнинг аҳамияти алоҳида қайд этилди.

НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган
ПФ–66–сонли фармонга мувофиқ, Қурилиш
ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида
назорат жараёнларини босқичма-босқич
рақамлаштириш вазифаси белгилаб берилган.



Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Қу-
рилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат
қилиш инспекциясида рақамли назорат тизимини жорий
этиш бўйича амалий ишлар изчил давом этмоқда.

Шу муносабат билан, Инспекция марказий аппарати-
да навбатдаги амалий семинар ташкил этилди. Тадбирда
ҳудудий инспекцияларнинг Ахборот-телекоммуникация
технологияларини жорий этиш бўлиmlари ва Қурилиш
объектларини онлайн кузатиш марказлари масъул ходим-
лари бевоcита марказий студияда иштирок этди. Шунинг-
дек, ҳудудлардаги инспекция ходимларининг “ZOOM”
платформаси орқали масофавий қатнашиши таъминланди.

Ингилиш аввалида Инспекция раҳбари Сирожиддин
Эшқувватов рақамлаштириш жараёнининг аҳамиятига
тўхталиб, мазкур тизим назорат фаолиятида шаффофлик,
очиқлик ва тезкорликни таъминлашда муҳим устувор
йўналиш эканини таъкидлади. Семинар давомида назор-
рат тадбирларини замонавий электрон платформа орқали
амалга ошириш, ҳудудий онлайн операторлар штаби фао-
лияти, инспекция ходимларининг боди-камера орқали
иш жараёнларини реал вақтда кузатиб бориш, шунингдек,
давлат маблағлари ҳисобидан қурилатган объектларда
ўрнатилган кузатув камераларини ҳудудий онлайн опе-
раторлар штабига интеграция қилиш ва уларнинг ишлаш
тартиби бўйича батафсил тушунчалар берилди.

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат
қилиш инспекцияси ходимлари томонидан
пойтахтдаги қурилиш майдонларида
чангланганининг олдини олиш ва атроф-муҳитга
салбий таъсирни камайтириш бўйича кўндалик
назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

Хусусан, қурилиш объектларига қириб-чиқувчи авто-
транспорт воситаларини ювиш учун ташкил этилган мах-
сус санитария майдончаларидаги ҳолат ва уларнинг талаб
даражасида фаолият юритиши инспекция томонидан мун-
тазам назорат қилинмоқда. Шунингдек, қурилиш майдон-
ларида белгиланган тартиб асосида сув сепиш ишлари
амалга оширилиб, чангланганини камайтириш, хавфсизлик
қоидаларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш ҳамда
атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига салбий таъсирлар-
нинг олдини олиш бўйича амалий чоралар қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси
ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
ўртасида имзоланган “Маҳаллаларда
қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
соҳасига оид қонун бўзилишларининг олдини
олиш юзасидан жамоатчилик назоратини
таъминлаш ҳамда ваколатли органларга хабар
бериш тўғрисида”ги қўшма қарор ижросини
таъминлаш бўйича тизимли ишлар олиб
борилмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё
тумани “Чойкўл” ОФЙда инспекция ва Маҳаллалар уюш-
маси ўртасида имзоланган қўшма қарор ижроси доирасида
ўрганиш ишлари амалга оширилмоқда. Ўрганиш жараёни-
да фуқароларга ичимлик сувидан оқилана фойдаланиш,
сув тармоқларига ўзбошимчилик билан уланмаслик, шу-
нингдек, мазкур талаблар бузилган тақдирда белгиланган
тартибда жавобгарлик чоралари мавжудлиги тўғрисида
тушунтиришлар берилди.

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой
коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат
қилиш инспекцияси ходимлари томонидан
Қарши шаҳридаги Наво маҳалласи ҳудудида
жойлашган 38 та кўп квартиралли уйга хизмат
кўрсатувчи 4–сонли қозонхона фаолияти
ўрганилди.



Ўрганиш давомида қозонхонанинг техник ҳолати ва
хавфсизлик талабларига риоя этилиши, газ қувурлари, қоз-
он агрегатлари, вентиляция тизимлари ҳамда бино кон-
струкцияларининг амалдаги стандартларга мувофиқлиги
атрофича қўздан кечирилди. Шунингдек, техник ҳужжат-
лар, эксплуатация паспортлари, профилактика ишлари
жадваллари, экологик ва санитария нормаларига амал қи-
лиш ҳолати ҳам текширилди.

Маълумот учун: қозонхона тўлиқ тайёр ҳолатда бўлиб,
38 та кўп квартиралли уйдаги 1520 та хонадонни узлуксиз
иссиқлик энергияси билан таъминлаш имкониятига эга.

1-бет Ургутдан Самарқандга поездда

Президент Шавкат Мирзиёев кунни кечаги Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида фаоллар билан бирга Самарқанд шаҳридан Ургут туманига илк бор янгидан бунёд этилган темир йўл орқали поездда борди. Ва шу тарзда 25 ноябрь Ургут ва ургутликлар ҳаётида муҳим тарихий сана сифатида тарихга муҳрланди. Энди ургутликлар Самарқанд шаҳрига поездда бориб-келишлари мумкин. Меҳмонлар учун ҳам вилоятнинг ушбу гўзал масканига поездда келиб-кейтиш имконияти яратилди.



Аслида, Ургутга темир йўл тортиш туман ахли, айниқса, тадбиркорларнинг бир неча йиллик орзуси эди. Бу ҳақда катта-кичик давраларда айтилган, аммо маблағ масаласи юзга чиққанда бу режа ортга сурилаверар, орзу орзулигича қолаверарди.

– Бу йил ургутликларнинг кўп йиллик орзуси ушалди, – дейи меҳнат фаҳрийси Куддус Аскарлов. – Ҳурматли Президентимизнинг туманимизни янада ривожлантириш, аҳоли учун ҳар томонлама қулай шароит яратишга бўлган алоҳида эътиборлари туфайли шу йилнинг февраль ойида “Самарқанд – Ургут” янги темир йўл тармоғи қурилиши бошланди. Шунда ҳам айримлар “бу иш қачон амалга ошади энди, яна неча йил кутамиз” деган ҳаёлга ҳам борганди. Лекин жуда қисқа фурсат – 9 ойда 55 километр масофада темир излари ташланиб, Ургутга биринчи марта поезд келди. Бу жараёнда Жартепа қишлоғида ва Ургут тумани марказида вокзал бинолари қурилди. Шу билан туманимизда йўловчи ва юк ташишнинг янги имконияти пайдо бўлди. Кеча Президентимиз ушбу темир йўл орқали Ургутга келдилар ва вокзалда биз нурунийлар, фаоллар билан учрашиб, барчамизни янги поезд қатнови билан таъриқладилар. Биз ҳам, ўз навбатида, у кишига миннатдорлик билдириб, эзгу ниятларимизни билдирдик. Бугун энди ўзимиз шу янги поездининг илк йўловчилари сифатида Самарқандга йўл оламиз. Айтишим мумкинки, кечадан Ургут ҳаётида янги саҳифа бошланди, халқимиз жуда кўтаринки кайфиятда. Кеча Президентимиз иштирокида ўтказилган йиғилишда Ургутни янада ривожлантириш бўйича қўллаб янги ташаббуслар айтилди, янгилик ва ўзгаришлар тилга олинди. Биз нурунийлар ҳам бу ишларни амалга оширишга ўз таърибамиз билан ҳисса қўшамиз, ешларни қўллаб-қувватлаб, уларга далда бўламиз.

Маълумотларга кўра, янги темир йўл орқали йилга 359 минг йўловчи ва 8,2 миллион

тонна юк ташиш имконияти мавжуд. Мазкур йўналишда икки жуфт шаҳарлараро йўловчи поездди ҳамда тўққиз жуфт юк поездди қатнови амалга оширилади. Эътиборлиси, қўшни Тожикистон Республикасидан юртимизга келадиган қардошларимиз Жартепа вокзали орқали Ургутга ёки Самарқанд шаҳрига етиб олишлари мумкин бўлади. Айни пайтда Жартепадаги чегара ўтказиш маскани орқали кунига 3-4 минг нафар тожикистонликлар юртимизга келиб кетишини ҳисобга олсак, мазкур темир йўл уларнинг транспорт хизматидан фойдаланиш имкониятларини бирмунча кенгайтиради. Шунингдек, ички туризм ривожига ҳам катта ҳисса қўшади.

Янги поездининг илк йўловчилари Ургут ва Самарқанд вокзалларида тантанали кутиб олинди. Самарқанддан борган фаоллар Жартепа ва Ургут вокзалларида яратилган шароитлар билан яқиндан танишди. Мазкур ҳудудларда амалга оширилаётган қўшимча бунёдкорлик ишлари ҳақида маълумот берилди.

– Ургут вилоятимизнинг энг кўп аҳоли яшайдиган тумани ҳисобланади, – деди Маънавият ва маърифат маркази Самарқанд шаҳар бўлими раиси Нигора Саъдинова ўза муҳбири Ғолиб Ҳасановга. – Албатта, бу ерда аҳолининг транспорт хизматига эҳтиёжи бошқа ҳудудларга нисбатан анча юқори. Шунинг учун Самарқанд шаҳри ва Ургут оралиғида поезд қатнови йўлга қўйилгани ургутликлар учун жуда катта қулайлик бўлди. Қолаверса, Ургутга юртимизнинг бошқа ҳудудларидан ва хориждан туризм ёки тадбиркорлик мақсадида келадиган меҳмонлар учун ҳам поезд арзон ва қулай транспорт тури ҳисобланади. Биз ҳам ушбу поездининг илк йўловчилари сифатида ундан фойдаланаётганимиздан хурсандимиз.

Янги поездда Ургутдан келган фаоллар, жамоатчилик вакиллари учун Самарқанд шаҳри бўйлаб саёҳат ташкил этилди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича “Очиқ эшиклар кун” бўлиб ўтди



Жамолиддин ҚУРБОНОВ, Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорати бўйича бош мутахассиси.

9 декабрь – “Халқаро коррупцияга қарши курашиш кун” муносабати билан Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида “Очиқ эшиклар кун” бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги, ички ишлар бошқармаси, адлия бошқармасидан таклиф этилган экспертларнинг маърузалари тингланди. Тадбирда очиқлик ва шаффофиликни таъминлаш, коррупциявий хатарларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, соҳада замонавий аксилкоррупциявий ёндашувларни жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Вилоят ички ишлар бошқармасининг Коррупцияга қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили подполковник Алишер Ўсаров бугунги кунда коррупциянинг олдини олиш йўлида бажарилаётган профилактик тадбирларга қарамасдан, ушбу иллат домига тушиб қолаётганларнинг учраётгани, товламачилик, фирибгарлик ва алдов йўли билан кишиларни ҳуш қилишга қарши курашиш ҳудудий кенгаши вакили Фарух Мансуров айтиб ўтди.

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – вилоят бош архитектори Озод Шодиёев туман (шаҳар)лар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимларида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ҳодимлар томо-

ча ҳоллар тўғрисида, шунингдек, давлат органларининг бошқа ҳодимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шартлиги бўйича вилоят ҳокимлигининг Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаши вакили Фарух Мансуров айтиб ўтди.

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – вилоят бош архитектори Озод Шодиёев туман (шаҳар)лар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимларида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ҳодимлар томо-

нидан коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоралари мунтазам кўриб борилаётганлиги ҳақида маълумот берди.

Таъкидлаш жоизки, бош бошқармада коррупцияга қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун жамоатчилик билан алоқа ўрнатиш мақсадида хабар беришга мўлжалланган барча зарур алоқа каналлари ишга туширилди. Хусусан, ишончи телефони (79-220-50-11), телеграм бот (@navquirlish_bot), почта манзили (navquirlish@nvuz) ташкил этилиб, мазкур хаволалар тўғрисидаги маълумотлар расмий <https://navquirlish.uz> веб-сайтнинг “Коррупцияга қарши курашиш” бўлимига жойлаштирилди.

Булардан ташқари, бошқарма биносининг кириш қисмида жисмоний ва юридик шахсларга қулайлик яратиш мақсадида “Коррупцион шикоятлар ҳақида ёзма яширин мурожаат қилишлари учун” қути, плакат ва махсус дастурий таъминот инфоксиос ҳамда коррупцион бурчак ва коррупция ҳолатлари оқибати юзасидан видео роликлар монитори ўрнатилди. Аҳоли учун коррупция ҳолатлари ҳақида ўз вақтида хабар беришга мослашган тарғибот пешлавлари осилди. Бош бошқарма бошлигининг соҳада фаолият юритаётган барча ҳамкасбларни маъсулият ва қонун устуворлиги тамойилларига қатъий амал қилишга, коррупцион ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз бўлишга чақирган мурожаатномаси эълон қилинди.

Янги Лойиҳа Фарғонани Марказий Осиёдаги автомобиль компонентлари ишлаб чиқариш марказига айлантиради

Сардорхон СОДИҚҲОНОВ, Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси етакчи мутахассиси, архитектор.

Фарғона вилояти саноат салоҳиятини ошириш йўлида яна бир муҳим қадам қўйилди. Қувасой шаҳри “Пакана” МФЙ ҳудудидаги “Қўқон” эркин иқтисодий зонасининг Қувасой филиалида Корейнинг “Hansae Mobility” компанияси билан ҳамкорликда йирик автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш корхонаси қурилиши бошланди. Ушбу лойиҳа нафақат вилоятда саноат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтиради, балки юқори технологияларни жорий этиш, янги иш ўринларини яратиш ва автомобилсозлик тармоғини чуқур маҳаллийлаштиришда муҳим ўрин тутди.

Мазкур тадбир доирасида ўтказилган тақдимотда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, бошқа мутасадди ташкилотлар ва туман ҳокимлиги раҳбарлари, маҳаллий тадбиркорлар ҳамда Корея Республикаси “Hansae Mobility” компанияси вакиллари иштирок этишди. Расмий маросимдан сўнг, бош бошқарма бошлиғи Бекзод РАҲИМОВ билан суҳбатлашдик.

– Янги лойиҳа аҳамияти ҳақида нималар дея оласиз?

– “Hansae Mobility”нинг Фарғонада ишлаб чиқариш корхонаси қурилиши вилоятимиз саноат харитасида стратегик аҳамиятга эга. Биринчи навбатда, бу юқори технологияли ишлаб чиқаришнинг ҳудудимизга кириб келиши, демаски, янги билимлар, янги стандартлар ва малакали ишчилар тайёрлаш имкониятидир. Корхона йилга ўн мингглаб автомобил эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Бу маҳсулотлар “UzAuto Motors”нинг асосий эҳтиёжини қоплаш билан бирга, экспорт салоҳиятига ҳам эга.

– “Hansae Mobility” ҳақида қисқача маълумот берсангиз?

– “Hansae Mobility”нинг тарихи 1982 йилдан бошланади. У дастлаб кичик тивув фабрикаси бўлган, бугунга келиб эса, дунёнинг етакчи мода ва тўқимачилик экспортчилари каторига киради. 2024 йилда компания автомобилсозликка кириб, ушбу брендини яратди. Улар ҳозир GM, Volkswagen, Rivian, Vinfast, UzAuto каби йирик брендларга маҳсулот етказиб беради. Компаниянинг Корея, АҚШ, Хитойда техник марказлари ва заводлари бор. Демакки, улар билан ҳамкорлик – халқаро стандартлар билан ишлаш дегани.

– Лойиҳа қурилишининг техник ва режалаштириш жараёнлари ҳақида айтиб ўтсангиз.

– Қурилиш бўйича иккита лойиҳа вариантини кўриб чиқяпмиз: биринчиси, 12 180 м² ҳудуд, 7 700 м² ишлаб чиқариш майдони; иккинчиси, 18 048 м² ҳудуд, 12 096 м² ишлаб чиқариш майдони.

Ҳар иккала вариантда бино баландлиги 6-7 метр бўлиб, замонавий саноат корхоналари стандартларига мос бўлади. Қурилиш ва коммуникация ишлари жадал олиб боришмоқда.

– Ишлаб чиқариш қачон бошланади?

– Завод 2026 йилнинг июль ойида ишга туширилиши режалаштирилган. Лойиҳа 3 босқичда амалга оширилади:

1-босқич (2026): “Hansae Mobility”нинг мавжуд маҳсулотларини Ўзбекистонда ишлаб чиқариш;

2-босқич (2027 январь): ракобатчи етказиб берувчиларнинг айрим қисмларини ҳам маҳаллийлаштириш;

3-босқич: электрон ва хавфсизлик тизимлари – АБС, ЭСС, ЭПС каби компонентларни Ўзбекистонда ишлаб чиқариш.

Бу жуда жиқдий технологиялар бўлиб, ўзимизда ишлаб чиқарилиши – катта ютуқ.



– Корхонада нечта иш ўрни яратилади?

– Дастлабки босқичда 112 та, 2027 йилга келиб эса 200 дан зиёд доимий иш ўрни яратилади. Энг муҳими, корейлик мутахассислар томонидан маҳаллий кадрлар ўқитилади, шунингдек, техник коллеж ва университетлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилади.

– Лойиҳа вилоят саноатига қандай таъсир кўрсатади?

– Биринчидан, автомобиль саноати Фарғонада янги босқичга кўтарилади. Иккинчидан, “Hansae Mobility”нинг келиши бошқа хорижий инвестициялар учун ҳам қулай сигнал яратади. Учинчидан, UzAuto билан локаллаштириш дастури туфайли ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар улуши сезиларли ошади. Бу эса, иқтисодий ўсиш, бюджет тушумлари ва энг муҳими, одамларимиз учун барқарор иш ўринлари демакдир.

Хулоса қилиб айтганда, “Hansae Mobility”нинг Фарғонада ишлаб чиқариш корхонаси – вилоят саноатининг янги босқичга кўтарилишини ифодалайди. Технология, малака, инвестиция ва логистика жиҳатидан бу лойиҳа Фарғонани Марказий Осиёдаги автомобил компонентлари ишлаб чиқариш марказларидан бирига айлантиради.

Ховос туманида ишлар қизғин

Жамшид ҚУРБОНОВ, Ховос тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи.

Ҳозирда барча ҳудудларда бўлгани каби Ховос туманида ҳам бу йилги куз-киш мавсумига тайёргарлик қизғин. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Кўп қавтирالي уйларни бошқариш тўғрисида”ги Қонуни ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига доир қабул қилинган қарорлар асосида кўп қавтирالي уйларни бошқариш соҳасида бир қатор мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда тумандаги кўп қавтирالي уйларга битта бошқарув ташкилоти хизмат кўрсатмоқда. Ушбу бошқарув ташкилотида 8 нафар ишчи фаолият олиб боради. Компанияда 24 соат мобайнида фаолият юритадиган тезкор авария-диспетчерлик хизмати ташкил этилган бўлиб, 12 та турдаги махсус асбоб-ускуналар тўплами ҳозирланган.

Таъкидлаш керакки, тумандаги кўп қавтирالي уйларни 2025-2026 йиллар куз-киш мавсумига барқарор тайёрлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур Дастур Ховос тумани ҳокимлиги томонидан тасдиқланди ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси билан келишилган. Мазкур Дастурга мувофиқ, бошқарув ташкилотининг ўз маблағлари ҳисобидан тумандаги 12 та кўп қавтирالي уйни таъмирлаш бўйича манзилли рўйхат шакллантирилиб, ушбу кўп қаватли уйларда жами 172,0 миллион сўм миқдоридagi таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Тасдиқланган манзилли Дастурга асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг “Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий ва энергетика соҳаси объеклари ҳамда кўп қавтирالي уй-жой фондини 2025-2026 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 388-сонли қарори ижроси юзасидан бошқарув ташкилотининг 172 миллион сўм маблағи ҳисобидан 12 та кўп қаватли уйни таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, ҳозирда барча уйлардаги таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланди. Хусусан, 8 та том, 4 та кодли қуфли темир эшикларни ўрнатиш, 3 та кириш йўлакларини таъмирлаш, 6 квадрат метр

фрамуга ойна ромлар ўрнатиш, 1 та ертўла қисмидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникацияларини таъмирлаш, 1 та фасад қисмини таъмирлаш, 13 та энергетика-жамкор сенсор лампалар ўрнатиш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, дастурдан ташқари, 2025 йил мобайнида кўп қавтирالي уйлардаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ҳозирги кунга қадар тумандаги 39 та уйда таъмирлаш ишлари якунига етказилди. Жумладан, томлар, кириш йўлакларни таъмирдан чиқарилди, кодли қуфли темир эшиклар ўрнатилиб, электр тақсимловчи шитлар таъмирланди. Ертўлаларнинг муҳандислик тармоқлари таъмирланиб, 4 та уйнинг фасад қисми янгиланди ва кириш йўлакларига 50 та энергетика тежовчи сенсорли лампалар ўрнатилди. Мазкур таъмирлаш ишлари учун Бошқарув ташкилотининг жами 129,5 миллион сўм миқдоридagi маблағлари сарфланди.

Булардан ташқари, Ховос туманидаги “Қаҳрамон” МФИда вилоят ҳокимининг сайёр қабули ўтказилган эди. Ушбу сайёр қабул давомида туман аҳолисидан тушган мурожаатлар юзасидан вилоят ҳокимлиги томонидан ажратилган 2 миллиард сўм маблағ 4 та маҳаллага сарфланиши юзасидан кўрсатма берилди. Вилоят ҳокими томонидан берилган топшириқлар ижроси юзасидан кўп қаватли уйларнинг том ва фасад қисми таъмирланиши ҳамда уларда яшовчи аҳоли учун 2 та умумий хожатхона, 2 та болалар майдончаси қурилиши учун 353,0 миллион сўм маблағ ажратилди.

Бугунги кунда режалаштирилган барча ишлар якунланиб, аҳолининг кишки мавсуми беҳавотир ўтказиши учун керакли шароитлар яратилмоқда.



САРИҚ ТУСГА КИРГАН ТАБИАТ

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири

Тошкентда ҳавонинг ифлосланиши тобора яққол сезилаётгани туфайли Экология ва иқлим ўзгариши бўйича миллий қўмита шахар атмосферасидаги бугунги вазиятнинг асосий омилларини таҳлил қилиб чиқди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳозирги ҳолат биргина техник ёки маиший омилларнинг маҳсули эмас, табиий жараёнлар ва инсон фаолияти бир-бири билан қўшилиб, мураккаб манзарани юзага келтирмоқда.

Яқинда ўтказилган учрашувда қўмита вакиллари ҳаводаги энг хавфли ифлослантирувчи моддалар – ПМ 2,5 даражасининг ошishiга сабаб бўлаётган манбаларни аниқ қайд этди. Ушбу заррчалар инсон соғлигига катта зарар етказиши, нафас йўллари ва юрак-қон томир тизимидаги касалликларни кучайтириши билан эътироф этилади. Қайд этилишича, уларнинг шаклланишига бир вақтнинг ўзида бир нечта омиллар таъсир кўрсатмоқда. Сўнгги беш йил ичида минтақада кузатилаётган иқлим ўзгариши, ёгингарчиликнинг камайиши ва ҳаво ҳарорати юқорилиги натижасида куруқ чангнинг ҳавога кўтарилиши кўпайган. Шунингдек, иссиқлик электр станциялари, марказлаштирилган иситиш қурилмалари ва иссиқхоналар фаолияти ҳам атмосфера босимининг паст бўлиши фонида ифлослантирувчи моддаларни юқорига кўтаришга улгурмаёқ атрофга ёйилишига сабаб бўлмоқда.

Транспорт оқими ва унга боғлиқ

ўлароқ ҳаракатланиш жадаллигининг ортиши Тошкент атмосферасининг яна бир оғриқли нуқтасидир. Автомобилларнинг кўпчилиги, транспорт воситалари, тирбандликлар ва секин ҳаракатланиш жараёнида кўпаядиган чиқинди газлари ҳавога бевосита таъсир кўрсатмоқда. Шаҳар ҳудудидаги қурилиш майдонлари ҳам чангланишнинг сезиларли қисмига сабаб бўлаётгани қайд этилди – йирик объектлар қўплиги, қурилиш техникаси ҳаракати ва тупроқ қатламнинг кўп бўзилиши ҳавога қўшимча босим юкламоқда.

Мутахассислар иқлим шароитлари ҳам вазиятни янада оғирлаштираётганини эслатиб ўтишди. Хусусан, ҳарорат инверсияси деб аталадиган ҳодиса пастда совуқ, тепада иссиқ ҳаво қатламининг шаклланиши атмосфера ҳаракатини чеклайди. Натижада, ҳаво алмашинуви секинлашади, ифлослантирувчи моддалар тарқалишга улгурмай, шаҳар устида тўпланиб қолади ва смог ҳолатини кучайтиради.

Қўмита вакилларининг фикрича, муаммони бартараф этиш фақат техник чоралар билан чекланиб қолмайди. Шаҳарсозликда экологик меъёрларга қатъий риоя этиш, иссиқлик манбаларини модернизация қилиш, қурилиш жараёнларида чангни камайитирувчи талабларни кучайтириш, транспорт сиёсатини қайта қўриб чиқиш ва энг муҳими – аҳолининг экологик маданиятини ошириш зарур. Акс ҳолда, Тошкентнинг ҳаво сифати бўйича ҳозирги қўйин вазият йиллар мобайнида давом этиши мумкин.

Бу ҳақда Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти директори Дониёр Тургунов қуйидаги маълумотларни берди:

– Ўзбекистон сайёранинг энг чангли ҳудудларидан бирида жойлашган: мамлакатнинг 80-85 фоизи чўл ва ярим чўллардан иборат. Олдин бу жараёнлар ҳам иқлим ўзгаришига таъсир кўрсатган. Лекин ҳозир табиий омилларнинг кучайиши антропоген таъсирнинг ўсиши билан бир вақтга тўғри келди. Бундан ташқари, бу йил кучли қурғоқчилик кузатилмоқда. Ўзимиз қўриб турибмиз: кузда фақат бир марта ёмғир ёғди. Ноябрь ойида ёгингарчилик қутилмайдди. Бу эса атмосферанинг табиий “юйилиш”нинг тўхташига олиб келди. Оқибатда антропоген омиллар таъсиридаги атмосфера жараёнларининг табиий юйилиши бўлмагани учун катта миқдордаги турғунлигини сақлаб турибди.

Дарҳақиқат, вазият шу қадар жиддийки, балинд қаватли уйлардан олинган таъсирларда шаҳарни ғубор қоплаб

тургани, чанг атрофга кенг тарқалганини яққол кўриш мумкин. Вазият тақозоси билан бозорларда ҳаво тозалогичларга кескин талаб ортиши оқибатида, маҳсулот тақчиллиги ва нархнинг баробарига ошиши кузатилмоқда.

Бугун ОАВларида вазият жиддийлиги бонг урилаётган бир пайтда, давлатимиз раҳбарининг мавжуд вазиятни яхшилаш борасида “Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони имзоланди.

Унга қўра:

– бир ҳафта ичида 500 м² ва ундан катта майдонларда комплекс текширувлар ўтказилиб, майдонларнинг камида 25 фоизи кўкаламзорлаштирилгани, сув пуркагичлар ўрнатилгани, кириш-чиқиш йўлларида автотранспорт гилдираклари ювиладиган хавзалар мавжудлиги ва материаллар брезент ёки ПВХ қоплама билан ёпилган ҳолда ташилаётгани текширилади;

– катта қурилиш майдонларида мониторинг станциялари мажбурий бўлади. Майдони 1 000 м²дан ортиқ объектларда мониторинг ускуналарини ўрнатиш ва Экология ва иқлим ўзгариши бўйича миллий қўмита тизимига улаш қурилишни давом эттиришнинг асосий шарти этиб белгиланди;

– уч ой муддатда шаҳарнинг тўрт йўналиши бўйлаб камида учтадан суьий қўл ва сув хавзаси барпо этилади. Шу билан бирга, икки ҳафта ичида Тошкентдаги фавворалар сонини камида икки бараварга кўпайтириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилади ва тақдим этилади.

– 2025 йил охиригача атмосфера назорати тўлиқ модернизация қилинади. 347 та автоматлаштирилган станция харид қилиниб, “Аир Мониторинг Ташкент” тизими Экология ва иқлим ўзгариши бўйича миллий қўмита бошқарувига ўтказилади ва умуммиллий “Аир Мониторинг Ўзбекистан” платформасига интеграция қилинади. Гидрометеорология хизмати станциялари ва “Замин” фонди ўрнатган постлар ҳам янгона мониторинг тизимига уланади.

Ўйлаймизки, ушбу тадбирлар вазиятни ижобий тарафга ўзгартиришда муҳим туртки бўлади. Йўқса, шусиз ҳам глобал иқлим ўзгариши оқибатида кучайиб бораётган қурғоқчилик, сув танқислиги муаммоси ҳаётимиздаги салбий бўёқларни орттиришда давом этади. Ҳолат яхшиланиши учун нафақат ҳукумат назорати, балки халқимизнинг ҳушёрлиги, экологик маданияти ҳам юқори бўлиши шарт. Бу – юртимизда яшаётган барча аҳолининг комплекс муаммосидир. Чунки заҳарли ҳаво зарраларидан ҳаммамиз бирдек нафас оламиз. Ўз келажагимизга масъулият билан қараш пайти келди.

Уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасида ХОРАЗМ ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛДИ

Шахноза ҚАЛАНДАРОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан Хоразм вилоятида кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизimini мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти ходимлари учун республика семинари ташкил этилди.



Барча соҳаларда туб бурилишларга юз тутаётган Хоразм уй-жой ва коммунал хўжалиги йўналишида ҳам аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш учун бир қатор ташаббусларни илгари сурган. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган семинар ана шу янгилекларни оммалаштиришга хизмат қилади.

Семинар иштирокчилари дастлаб Урганч шаҳри Гулчилар маҳалласида жойлашган қозонхона фаолияти билан танишди. Мазкур қозонхона жаҳон стандартлари асосида фаолият юритмоқда. Шаҳардаги кўп қаватли уйлар ва ақсарият идора ва ташкилотларни куз-қиш мавсумида иссиқлик билан таъминлайди.

Иштирокчиларнинг кейинги манзили Урганч шаҳридаги Нурли ҳаёт маҳалласи бўлди. Маҳалла ҳудудидаги “Хоразм шинам уйлар” БСК 128 гектар ҳудудда жойлашган 842 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатади.

1088 қисқа рақами орқали коммунал соҳадаги мурожатлар “Урганч ақлли шаҳар” Call-марказида қабул қилиниб, тезкорлик билан ҳал этилиши йўлга қўйилган. Куз-қиш мавсуми, қолаверса, диспетчерлик хизмати учун ҳам барча моддий-техник база етарли.

Семинарнинг иккинчи қисмида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизimini мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти ходимлари томонидан Хоразм тажрибасини ҳар бир ҳудуд имконияти доирасида амалиётда қўллаш бўйича муҳомаалар бўлиб ўтди.

Республика семинари якуни юзасидан уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш бўйича тақлифлар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига тақдим этилди.

Тахтақўпирда халқаро этно-маданий фестивалъ ўтказилди

Омирбай ЭСБЕРГЕНОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Тахтақўпир туманининг Белтов овул фуқаролар йиғинидаги “Тах-тобе” этно қишлоғида халқаро этно-маданий фестивалнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси Аманбай Оринбаев сўзга чиқиб, барча йиғилганларни фестивалнинг очилиши билан табриклади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Турсунхон Худайбергенов, Вазирлар Кенгаши Раиси Фарход Эрманов, Қозоғистон Республикасининг факултетада ва мухтор элчиси Бейбут Атамқулов иштирок этди. Таъкидланганидек, юртимизда асплар давомида турли миллат вакиллари ўзаро ҳамжиҳатлик билан ягона



халқ бўлиб, юртимизнинг ҳар томонлама гуллаб-яшнашига муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича чиқарган махсус фармон ва қарорлари асосида, республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Белтов овул фуқаролар йиғинида ҳам кенг қўламда қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, бугун бу ҳудуд том маънода янги ҳаёт фазага эга бўлди. Айниқса, ушбу фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Бўрчитовнинг балинд чўққисида қурилган, халқимиз ўтмишидан дарак берувчи, миллийлиги-

мизни ўзида мужассам этган “Тах-тобе” этно-қишлоғи ҳудудга янада ўзгача кўрк ва чирой бағишламоқда.

Жумладан, мамлакатимизнинг қўлаб ҳудудлари ва хорижий давлатлардан иштирок этган ушбу этно-маданий фестивалнинг ҳам айнан шу жойда ўтказилганида чуқур маъно бор. Сабаби, бу ерда ташкил этилган 70 та қора уй юртимизда яшаётган турли миллат вакилларининг ўзлигини намойён этиб турган бўлса, қўшни қишлоқ манзарасини ўзида мужассам этган 16 та пахса уйлар орқали аждоқларимизнинг яшаш шароитлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўламиз.

Ўтказилган фестивал доирасида ташкил этилган турли тадбирлар, қардош халқларнинг миллий урф-одат ва анъаналарини ўзида мужассам этган сахна кўринишлари, миллий рақс ва қўшиқлар ижро этилиши, халқимизнинг миллий анъаналари намойиш этилиши йиғилганларга ўзгача завқ бағишлади.



Изчил назорат – ютуқлар омили

Ҳамза ШУКУРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори асосида Пастдаргом туманида бир қатор ибратли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, 2025 йилнинг ўтган даври мобайнида 10 та мактаб, 2 та МТТ мукаммал таъмирланиб, қўшимча бинолар қурилди.

– Бу ишларнинг бажарилишида пудрат ташкилоти – “Samarkand aziz servis” ва лойиҳачи ташкилот

– “Movaraunnam” МЧЖнинг ҳиссаси катта бўлди, – деди буюртмачи – “Инфратузилмани ривожлан-

тириш инжиниринг компанияси” давлат муассасаси техник назоратчиси Дилшод Хайдаров.

Айни пайтда Бешнайман маҳалласи ҳудудидаги 2-мактабда реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Бу ерда 240 ўринли қўшимча бино қуриляпти. Пудратчи қорхона иш юритувчиси Соҳибжон Аҳмаджонов қурилиш жараёни ҳақида гапириб берди:

– Энергиятежамкор, пишиқ, шу билан бирга, таннархи арзон маҳаллий қурилиш материалла-

ридан фойдаланяпмиз. Ишчи-хизматчиларга барча шароитлар яратилган. Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекцияси, лойиҳа ташкилотининг муаллифлик назорати ва қурилиш ташкилоти назоратчиси томонидан қурилиш ишлари сифат жиҳатдан мунтазам текшириб боришмоқда. Айрим ҳолатларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар қурувчиларга кўрсатилмоқда. Бу эса, ишда сифат ва самара юқори натижа бўлишини таъминляпти.

Туманлар инфратузилмаси тубдан ўзгармоқда

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ижтимоий ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланаётгани ҳамда инвестиция дастурлари ҳаётга кенг татбиқ қилинаётгани натижасида маҳалла ва қишлоқлар кўркам манзилларга айланиб, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Биргина Тошкент вилоятининг Ангрен, Охангарон, Паркент ва Бекобод туманларида кейинги йиллар ҳудудлар замонавий лойиҳалар асосида ободонлаштириляпти. Иморатлар қурилиб, эскирганларини мукамал таъмирлашга киришилган. Шу йўналишга қаратилган “Йўл харитаси”га кўра, жорий йилнинг ўзида 3 та умумтаълим мактаби, 15 та мактабгача таълим ташкилоти, 2 та соғлиқни сақлаш муассасаси ва 19 та маҳалла фуқаролар йиғини биносини қуриш ҳамда капитал таъмирлаш белгиланган бўлиб, айни пайтда бунёдкорлик ишлари қизгин давом этмоқда. Улар белгиланган муддатда бит-са, болалар учун қулай шароитлар яратилади ва маҳалла тизими янада мустаҳкамланиб, аҳолига

ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими яхшиланади.

Жумладан, Бекобод тумани марказига тушаш маҳаллада замонавий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори қурилиб, лойиҳаси тайёрланиб, ҳозирда ишлар олиб боришмоқда. “Олтин водий” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ташландик ер майдонида эса “Инсон” ижтимоий хизматлар ҳамда Оила ва хотин-қизлар маркази марказлари, Нурунийлар маскани биноларини бунёд этиш бошланган.

Инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган дастурда чиқинди йиғиш шохобчаси қуришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Туман ҳудудида бунинг учун алоҳида жой ажратилган бўлиб, айни пайтда қурилиш ишлари

олиб боришмоқда. Бундан мақсад, атроф-муҳит мувозанатини сақлаш, чиқиндиларни тўғри йиғиш, қайта ишлаш тизimini йўлга қўйиш орқали ҳудуднинг экологик ҳолатини яхшилашдан иборат.

Бекобод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими мутахассиси Собиржон Эгамбердиевнинг таъкидлашича, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳомийлигида Республика ишчи гуруҳи ҳамда ҳокимлик билан ҳамкорликда “Тулистон” ва “Истиклол” маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам кенг қўламли ободонлаштириш ҳамда инфратузилмани яхшилаш ишлари олиб боришмоқда. Кўп қаватли уйлар куз-қиш мавсумига пухта тайёрланиб, иситиш тизимлари тўлиқ янгиланди, ертўлаларда таъмирлаш ишлари якунига етмоқда. Шу билан бирга, ўндан ортиқ биноларнинг том ва фасад қисмлари талаб даражасига келтирилиб, эшик-роьлар алмаштирилгач, болалар майдончалари, автотураргоҳлар, маиший ва спорт майдончалари қурилиши давом этмоқда.

Шунингдек, бунёдкорлик харақатлари жадаллик билан давом

этаётган “Янги Бекобод” IT-парк, фойдаланишга топширилса, йиғит-қизлар ўз ҳудудида чикмасдан туриб, рақамли соҳада ўсиш, ўрганиш ва ишлаш имкониятига эга бўладилар. Ҳудудда амалга оширилган яна бир муҳим лойиҳа, аҳолининг қимматли вақтини тежаш ва соғлигини шу жойнинг ўзида тиклашга имкон бермоқда. Янги лойиҳага кўра, туман тиббиёт бирилшмасида республика даражасидаги мураккаб жаррохлик амалиётлари самарали ўтказилляпти. Бирлаша мутахассисларининг фикрларига кўра, айни пайтда ён-атрофдаги туман ва шаҳарлар аҳолиси учун ҳам кардиохирургия соҳаси бўйича тиббий хизмат кўрсатувчи марказ бўлди. Шунингдек, қўшни Тожикистон давлатидан келаётган беморларга ҳам тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, инфратузилмани ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган замонавий лойиҳалар натижасида нафақат туман киефаси тубдан ўзгарляпти, балки фуқароларнинг ҳаётига қулайлик ва янгиланиш руҳи ҳам кириб бормоқда.

ҲАМЖИҲАТЛИК ҒАЛАБАСИ

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Юртимизда ёшларга эътибор, спортга қизиқишни ошириш ва маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 апрелдаги ПҚ-114-сонли қарори ёшларга оид давлат сиёсатини янги boskичга олиб чиқди. Мазкур қарор асосида спорт майдончаларининг камида 30 фоизини аҳоли овоз бериши орқали бунёд этиш амалиёти йўлга қўйилди. Бу эса, нафақат инфратузилмани кенгайтириш, балки аҳолининг ўз маҳалласи тараққиётига бевосита масъулият билан ёндашишига замин яратмоқда.



Бу эзгу ташаббус доирасида ҳар йили ўтказиб келинаётган “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси 2025 йилда ҳам ўз давомчилирини қабул қилди. Апрель охири ва май ойининг бошларида Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги томонидан лойиҳага старт берилди. Республикаимизнинг барча туман ва шаҳарларида ёшлар етакчилари ўз гоёларини илгари суриб, уларни скоринг жараёнидан ўтказди ва энг муҳим boskич – аҳоли овоз бериши boskичига етиб келди. Бу сафар ғолиблик пойғасида Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ҳам фаол иштирок этди. Айниқса, Ўратепа (аввалги Дўстлик) маҳалласи ёшлар етакчисининг ташаббуси туман аҳолисида катта қизиқиш уйғотди. Бўш ётган худудга болалар спорт майдончасини барпо этиш гоёси юзлаб юракларни бир мақсад йўлида бирлаштирди.

Зангиота тумани бўйича тақдим этилган 75 та ташаббусдан 15 таси сараланганида, айнан Ўратепа маҳалласининг бу рўйхатдан жой олган

ни маҳалладошларнинг руҳини кўтарди. Шундан сўнг, ҳақиқий синов бошланди. Овоз йиғиш жараёнига маҳалла фаоллари, оқсоқоллар, ёшлар, уй бекаларигача бирдек киришди. Ҳамжиҳатлик сўзининг асл маъноси айнан мана шу жараёнда яққол кўзга ташланди – бир мақсад учун бирлашган инсонлар имконсиздек туолган ишни улдалашди. Ўратепа маҳалласи 1392 та овоз билан Зангиотадаги барча маҳаллалар орасида ғолиб деб топилиди. Бу нафақат бир гоё ғалабаси, балки бир маҳалланинг, бир жамоанинг қалбани бирлашган меҳнати махсули эди.

Режага мувофиқ, болалар спорт майдончаси йилнинг учинчи чорағида қурилиши керак эди. Меҳнатсевар халқимизнинг иштиёқи, маҳаллий ҳокимликнинг кўмағи, вазирликнинг эътибори туфайли қурилиш ишлари ноябрь ойида бошланиб, жуда қисқа фурсатда яқунланди. Мазкур майдонча қурилиши Ўзбекистон Республикаси Спорт



вазирлиги томонидан тасдиқланган “universal”, “stribol” ва “street workout” майдончаларининг мазкур йил учун мўлжалланган намунавий лойиҳаси асосида амалга оширилди. Майдонча лойиҳаси “SMART DESIGN” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унда хавфсизлик, барқарорлик ва қулайлик каби меъёрларга тўлиқ риоя қилинган. Майдонча учун резина қопламали workout зонаси, болалар учун махсус тренажёрлар, стритбол майдони ва бетон йўлақлар ҳам белгиланган талаблар асосида бажарилди.

Қурилишда замонавий, коррозияга чидамли металл конструкциялар, санитар-гигиеник талабларга жавоб берувчи қопламалар ва энергия тежовчи технологиялардан фойдаланилгани туфайли майдонча узок йиллар хизмат қилишга мўлжалланган. Шунингдек, ҳар бир элемент – турник, брус, пресс учун алоҳида конструктив ечимлар, пойдевор турлари ва монтаж бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилган. “SMART DESIGN” МЧЖнинг мазкур тезкор ва сифатли қуриш амалиёти маҳалладаги жамоавий меҳнат натижасини янада равшанроқ кўрсатди.

– Бу ғалаба маҳалладошларимиз ҳамжиҳатлигининг намунаси, – деди маҳалла фаоли Ибодат Раҳимова. – Ҳар бир фуқаро овоз йиғишда жонбозлик кўрсатди, натижада, бўм-бўш худудда болалар ва ёшлар учун қулай майдонча қад ростлади. Бугун

бу жой қувонч, спорт ва соғлом муҳит масканига айланди.

Дарҳақиқат, бутун бу маҳаллага келган киши шодон қийқириқлар, қувонч билан ўйнаётган болалар, янги жиҳозланган майдончанинг гавжумлигига гувоҳ бўлади. Эътиборлиси, маҳалла аҳли ҳам ўзаро хашар ташкил қилиб, майдончани янада кенгайтирди, қўшимча ўйин ускуналари ўрнатди. Ёшлар учун махсус бурчаклар, кичик спорт майдончалари ташкил қилинди.

– Маҳаллаимизда болалар спорт майдончасининг барпо этилиши барча ёшдаги аҳоли учун жуда катта имкониятдир, – деди ёшлар етакчиси Рихси-тилла Тўлқинов. – Аввало, бу жой аҳолига спорт билан мунтазам шугуullanиш, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун қулай муҳит яратди. Қолаверса, ёшлар орасида жисмоний фаолиятга, спортга қизиқиш сезиларли даражада ошди.

Бир сўз билан айтганда, бу ғалаба – нафақат Ўратепа маҳалласининг, балки бутун Зангиота туманининг, республикаимиздаги маҳалла институтининг қудратини яна бир бор кўрсатди. Ташаббус, бирлик, меҳр – мана шу уқилк бирлашса, ҳар қандай эзгу ният рўёбга чиқади. Бу майдонча фақат ўйин маскани эмас, ҳамжиҳатлик рамзи, бирлашган жамоанинг ютуғи ва эртанги авлодга қоладиган яхши хотира ҳамдир.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил 28-30 ноябрь ва 1 декабрь саналарида
таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиғи ўринбосари **Азизбек Шарипов**, дурадгор **Ўткир Ҳошимов**,

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” DM юрис-консулти **Рустам Муқимов**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси бош мутахассиси **Рафазль Хабибраҳмонов**, “Марказий” филиали бош мутахассислари **Обиддин Юсупов**, **Сардор Райимов**, “Қашқадарё” филиали етакчи муҳандиси **Ўмурзоқ Абдувалиев**,

“Ўзгирсанотлоийҳа” АЖ ООПР электриги **Ренат Голяков**, қоровул **Баҳром Джаллаҳинов**, ОИСК бўлми бошлиғи **Сарвар Саипов**,

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 4-устахонаси гуруҳ мудири **Иброҳим Абдуллаев**, Шаҳар-созлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 7-устахонаси етакчи мутахассиси **Маъмура Абдуллаева**, Иқтисодий режалаштириш ва шартнома муносабати бўлими бошлиғи **Зафар Тожиев**, Смета ва нархларни шакллантириш бўлими сектор мудири **Шоҳида Исмоилова**, Хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси бош мутахассиси **Суннат Салихов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Давлат хизматларини кўрсатиш бўлими бош мутахассиси **Хушнуд Қутлимуратов**, Нукус шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Илҳом Бегимов**, вазирлик техник ходими-бино фарроши **Улдаулет Отепбергенова**,

Андижон вилояти Олтинқул тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Муродилло Жўрабоев**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси хўжалик ҳисобидида фаолият юритувчи бўлими етакчи мутахассиси **Бунёд Нарзуллаев**, Архитектура ва ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш шўъбаси етакчи мутахассиси **Акмал Одилов**,

Қашқадарё вилояти Китоб тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Маъруф Баҳриддинов**,

“Бухорознергомарказ” АЖ бошлиғи **Анвар Караев**, “Иссиқлик манбаи” ДУК Самарқанд филиали бошлиғи **Низомиддин Газибеков**, Қўқон “Иссиқлик манбаи” ИЧДҚ бош мутахассиси **Аббас Холматов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги “Nukus Kommunal Servis” БСК МЧЖ бош директори **Азамат Иманғалиев**, Андижон вилояти Андижон шаҳридаги “Ейилма шинам хонадонлар” БСК МЧЖ бош директори **Равшанбек Юнусов**, Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги “Муҳаммадjon Нозима таъмир қурилиш” БСК МЧЖ бош директори **Мурод Раҳимқулов**, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги “Чирчиқ янги нур сервис” БСК МЧЖ бош директори **Интизор Иминова**, Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги “Дўмбиробод строй коммунал сервис” БСК МЧЖ бош директори **Равшан Азизов**, Яшнобод туманидаги “Engineering Technology Servis” БСК МЧЖ бош директори **Муҳаммадсиддиқ Музаффаров**, Тошкент шаҳар Миробод туманидаги “Тулшан-чарогон-сервис” БСК МЧЖ бош раҳбари **Наталья Қаюмова**, Чилонзор туманидаги “Olmazor-Umid” БСК МЧЖ раҳбари **Рита Каримова**, “Algoritm-Guliston-Kommunal-Servis” БСК МЧЖ раҳбари **Шокиржон Хусанов**ларни таваллуд қуни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узок умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!



Дунё харитасида ўз ўрнини санъат ва гўзаллик билан мустаҳкамлаган шаҳарлар кўп, аммо Венеция уларнинг орасида ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу шаҳар нафақат Италия, балки бутун инсоният цивилизацияси тарихида шаҳарсозлик ва архитектура санъатининг бетакрор ютуғи ҳисобланади. Сув устида қурилган, ўзининг ўнлаб кўприклари ва юзлаб каналлари билан машҳур бўлган бу маскан – инсон тафаккури, ирода ва эстетик қарашларнинг уйғунлиқдаги тимсолидир.

Венеция VII-IX асрларда Адриатика денгизининг саз ёрғида пайдо бўлган. Дастлабки аҳоли bosкинлардан қочиб, сувли оролларга жойлашган, вақт ўтиши билан эса бу ороллар мустаҳкамлаштирилиб, ягона шаҳарга бирлаштирилган. Бу жараён инсон ва табиат ўртасидаги нозик мувозанатни англатганин, муҳандислик фикрининг илк йирик тажрибаларидан бири эди.

Ушбу давлатнинг ҳар бир биноси ёғоч қозикларга таяниб туради. Ушбу қозиклар асрлар давомида чири-масдан, сув остидagi лой қатламида тошдек қотиб қолган. Ана шу муҳандислик ечими туфайли бутун ҳам Венеция ўз сувлари устида барқарор турибди.

Венеция меъморчилиги – ғарб ва шарқ маданиятларининг бевосита тўқнашуви ва уйғунлашуви натижасидир. Готика, Византия, Ренессанс

ва Барокко услублари бу ерда бир-бирига сингиб кетган. Догжлар саройи (Palazzo Ducale), Сан-Марко базиликаси, Риалто кўприги ёки Гранди канал бўйидаги ҳашаматли палаталар – барчаси тарихий қатламлар, бадий тафаккур ва техник мукаммалликнинг жонли гувоҳидир. Хусусан, Сан-Марко базиликасининг олтин мозаикалари, юнонча гумбазларининг ички уйғунлиги ва арабча безак элементлари Венециянинг “маданиятлар чоррахаси” сифатидаги ўрнини яққол намоён этади. Бу меъморчилик услуби “Venetian Gothic” номи билан бутун дунё архитектура мактабларига кирган.

Таъкидлаш керакки, Венециянинг шаҳарсозлик тузилмаси бошқа шаҳарларникидан кескин фарқ қилади. Бу ерда асосий йўллар – каналлар, асосий транспорт эса – гондолалардир. Шаҳар инфратузилмаси денгиз сатҳи, тўлқин ва шамолга мослаштирилган.

Бу, шунчаки урбанистик ечим эмас, балки табиат билан ҳамнафас яшаш фалсафасидир.

Сўнгги йилларда шаҳар иқлим ўзгаришлари, денгиз сатҳининг кўтарилиши ва туризм босими билан синовдан ўтмоқда. Шу сабабдан Венеция “MOSE” лойиҳаси, яъни сув тўлқинларига қарши ҳимоя тизимини йўлга қўйди. Бу замонавий муҳандислик гоёси қадимий шаҳарни сув тошқинларидан асрашга хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Венеция мисолида шунки кўриш мумкин-ки, ҳақиқий архитектура фақат тош ва гиштдан эмас, балки маънавият ва ақл билан қурилади. У ерда ҳар бир бино, ҳар бир кўприк, ҳатто тор кўча ҳам бир тарих, бир туйғу, бир гоё билан яшайди. Венеция – бу инсониятнинг “сувни енгган”и эмас, балки у билан яшашни ўрганган шаҳридир. Унинг архитекту-раси бизга шаҳар дегани – фақат бетон ва асфальт эмас, балки табиат, маданият ва санъатнинг уйғун тизими эканини эслатади.

Бутун дунё бўйлаб “барқарор шаҳарлар” концепцияси илгари сури-лаётган бир пайтда, Венеция тажрибаси замонавий шаҳарсозлик учун бебаҳо сабоқдир. Қолаверса, ҳар қандай тараққиёт табиий мувозанатни сақлаган ҳолда амалга оширилса, у абдиқат сари йўл олади.

Ўз мухбиримиз.



ЎТМОИY-IQTISODIY GAZETA
**O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоятлов,
(Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиiddин Ёшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магруппов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Маҳкамов
Мусакхх	Марҳамат Муслимонкулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ”
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
“Ўзсанотқурилишматериаллари”
уюшмаси, “ЎзГШКЛИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ
МУХБИРЛАРИНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 1141.
1738 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятта
келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилиди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Ҳақбердиев.

ЎЗА якуни – 22.25.
Тоштирилди – 23.00.